

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ВРАЧ  
НАЗОРАТИ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ КАФЕДРАСИ

1-Маъруза. БЕМОРЛАРНИ СОЦИАЛ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИДА  
ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ, ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИ  
ОДАМ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ АСОСЛАРИ.  
ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.  
(даволаш ва тиббий-педагогика факултетларининг 4 курс талабалари учун)

Тузувчилар :  
доцент Ш.Қ.Адилов

**1-Маъруза. БЕМОРЛАРНИ СОЦИАЛ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИДА  
ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ, ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИ  
ОДАМ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ АСОСЛАРИ.  
ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.**

Маъруза тиббий-профилактика фақултетининг 3 курс талабалари учун мўлжалланган.

**Маърузанинг мақсади**

Талабаларни жисмоний машқларнинг шифобахш таъсир механизми ва усуллари билан таништириш. Беморларнинг ҳолатига ва тошхисига қараб шифобахш гимнастика комплексини тузишни ўргатиш.

**Тарбиявий мақсади**

Талабаларни фан орқали деонтология ҳақидаги тушунча, уларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш. Уларни аҳолининг соғлигини яхшилаш, иш ва меҳнат қобилиятини ошириш, шу билан бир қаторда шифобахш жисмоний тарбия воситалари ёрдамида касалликнинг олдини олиш ва реабилитация тадбирларини ўтказишга ўргатиш.

**Маърузанинг вазифалари**

1. Талабаларда bemornining ҳолатига жавобгарликни тарбиялаш.
2. Фан ҳақида тушунча, мақсад ва вазифаларини бериш.
3. Талабаларни шифобахш жисмоний тарбия усулларининг ўзига хослиги ва жисмоний машқларнинг таъсир механизми билан таништириш.
4. Талабларни шифобахш жисмоний тарбиянинг асосий воситалари, шакллари ва ҳаракат тартиботлари билан таништириш.

**Маърузада кўриладиган саволлар**

1. Шифобахш жисмоний тарбия фани, унинг мақсади ва вазифалари.  
-10 минут
2. Шифобахш жисмоний тарбия – даволаш усуллари, жисмоний машқларнинг шифобахш таъсир механизми. -10 минут
3. Шифобахш жисмоний тарбиянинг воситалари. -25 минут
4. Шифобахш жисмоний тарбиянинг шакллари. -20 минут
5. Шифобахш жисмоний тарбиянинг ҳаракат тартиботлари, шифобахш гимнастика комплексини тузиш принциплари. -25 минут

Шифобахш жисмоний тарбия (ШЖТ) – бу жисмоний тарбия воситаларини касалликни даволаш, олдини олиш ва bemorlarни реабилитацияси мақсадида қўллашдир.

ШЖТнинг ўзига хос хусусиятлари ёки даволаш усуллари :

-ШЖТ табиий биологик даволаш усулидир. Бунда даволаш жараёнида табиий бўлган ҳаракатлар ва табиий омиллардан фойдаланилади;

-бутун даволаниш жараёнида беморлар фаол иштирок этадилар;

-ШЖТ патогенетик даволаш усулидир. Жисмоний тарбия воситалари ёрдами билан касалликларнинг патогенезига таъсир кўрсатилади. Масалан : бронхиал астмада бронхларнинг торайиши (спазми) кузатилади. Бериладиган маҳсус машқлар ёрдамида бронхларнинг торайишига таъсир этиб,

йўқотилади. Бунда ўпка вентиляцияси оширилади, дренажловчи нафас машқлари ёрдамида туриб қолган секретлар ҳайдалади;

-ШЖТ носпецифик даволаш усулидир. Даволаш мақсадида бериладиган машқлар специфик таъсир қилиш билан бир вақтда, организмнинг умумий реактивлиги, модда алмашинув жараёнлари, органларнинг қон билан таъминланишларини кучайтиради;

-ШЖТ функционал даволаш усулидир. Патологик жараённинг ривожланиши ҳисобига орган ва системаларнинг функционал ҳолатларида бузилишлар кузатилади. ШЖТ воситалари билан бузилган функционал ҳолатлар яхшиланади ва тикланади. Масалан : жароҳат вақтида синган сүякларга гипс қўйилади, бунда яқин бўлган икки бўш бўғим фиксацияланади. Натижада узоқ вақтга қўйилган гипс бўғимлардаги ҳаракатларни чегаралайди, уларнинг қон билан таъминланиши бузилади ва мушаклар атрофияга учрайди. Беморларга бериладиган жисмоний тарбия воситалари бу ҳолатларни камайтиришга, йўқотишга ва функциясини яхшилашга ва қисқа вақт давомида тиклашга қаратилади. Шифобахш гимнастика муолажаси гипс қўйилган биринчи кундан бошлаб очиқ жойларга, бўш бўғимларга берилади. Гипс олинганидан сўнг ҳар хил машқлар берилади (тузатувчи, механотерапия, мувозанатга, координацияга ва ҳ.з) ва улар ёрдамида бузилган функциялар яхшиланади ва тикланади.

Шифобахш жисмоний тарбиянинг таъсир механизmlари :

1.Нейро-рефлектор-гумораль таъсир – жисмоний машқлар нерв рецепторларининг носпецифик қўзгатувчилари бўлиб ҳисобланадилар. Улар нерв рецепторларига таъсир этиб, марказга интилевчи йўл орқали МНСга борадилар. У ерда гипофиз-гипоталамус системаси орқали ўтиб, ретикуляр формация ва пўстлок остида жойлашган ҳар хил марказларга таъсир этиб, импульсларни ўзгартирилган ҳолда марказдан қочувчи нерв йўллари орқали патологик ўчогига қайтиб тушади ва қуидагиларга олиб келади:

- қон ва лимфа айланиши яхшиланади;
- модда алмашинув жараёни фаоллашади;
- биологик актив моддаларнинг ажralиши кучаяди;
- регенерация ва репорация жараёнлари яхшиланади;
- тўқима трофики яхшиланади.

Бундай таъсирлар натижасида оғриқ сусаяди ва қолади, яллиғланиш ҳолатлари камаяди, спазмалитик таъсирни юзага келтиради.

2.Компенсатор (тўлдирувчи) таъсир – бунда организмдаги патологик ўзгаришлар ўрни тўлдирилади ва патологик жараённинг авж олиб кетишининг олди олинади. Масалан : нафас органлари касалликларида, нафас жараёнида иштирок этувчи мушакларга машқлар берилади, яъни диафрагмага, қовурғалар оралиғига, елка камарига, орқа мушакларига. Ҳазм органлари касалликларида қорин олди мушак прессига машқлар, тос туби органлари касалликларида оралиқ ва анус сфинктерига машқлар ва ҳ.з.

3.Трофик таъсир – қўлланилаётган жисмоний тарбия воситалари таъсирида томирлар кенгаяди, қон айланиши яхшиланади, модда алмашинуви

яхшиланади, натижада жароҳатланган жойнинг трофикаси ёки озиқланиши яхшиланади.

Шифобахш жисмоний тарбия воситаларига қуидагилар киради :

- 1.Жисмоний машқлар
- 2.Табиатнинг табиий омиллари
- 3.Шифобахш массаж
- 4.Мехнат билан даволаш

**Жисмоний машқлар.**

Жисмоний машқлар ШЖТнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний машқлар қуидагиларга бўлинади :

- 1.Гимнастик машқлар
- 2.Амалий спорт машқлари
- 3.Ўйинлар

**Гимнастик машқлар** жисмоний машқларнинг асосини ташкил этади.

Гимнастик машқлар ўз навбатида бўлинади :

**A.Нафас машқларига :**

**a)статик ёки турғун нафас машқлари**

- кўкрак нафас машқлари
- диафрагмал ёки қорин орқали нафас машқлари
- тўлиқ ёки аралаш нафас машқлари
- локал ёки маҳаллий нафас машқлари

**b)динамик нафас машқлари**

-физиологик нафас машқлари  
-Стрельникова бўйича парадоксал нафас машқлари – ўпканинг вентиляциясини ошириш ва дренажини яхшилаш учун берилади, қўл ва оёқлар билан биргаликда ҳаракат қилиниб, асосий эътибор нафас олишга қаратилади.

**в)маҳсус нафас машқлари**

-ритмик юриш – бунда нафас олиш юришга мослаштирилади, яъни 1-нафас олинади, 2-нафас чиқарилади.

-товушли нафас машқлари – товушли нафас машқларини бажариш мақсадида унли ва ундош ҳарфлардан фойдаланилади. Бу машқлар ўпка вентиляциясини ошириш мақсадида қўлланилади, масалан : нафас олиб, нафас чиқаришда унли ҳарфлардан фойдаланилади. Шунингдек нафас йўлларидан балғамни ҳайдаш мақсадида нафас чиқаришда ундош ҳарфларни айтиш билан амалга оширилади.

-дренажловчи нафас машқлари – асосий эътибор дренажловчи дастлабки ҳолатларга қаратилади, яъни унга талаб шуки, патологик ўчоғ бронхлар бифуркациясидан, тананинг бош қисмидан юқори туриши керак. Қуидаги дастлабки ҳолатлар қўлланилади :

- а) соғ ён бошда ётган;
- б) тизза-тирсак;
- в) қоринда ётиб, боши пастга тушурилган;
- г) қоринда ётиб, оёқ қисми 15, 30, 45 градусларга кўтарилиган;
- д) ўтирган, бош қисми пастга энгаштирилиган.

## Б. Умумий ривожлантирувчи машқларга :

Умумий ривожлантирувчи машқлар белгилари бўйича қуидагиларга бўлинади :

### а) анатомик белгиси бўйича

- юз, энса мушаклари учун машқ
- бўйин, елка ва орқа мушаклари учун машқ
- қўл мушаклари учун машқ
- корин олди мушаклар пресси ва тос туби мушаклари учун машқ
- оёқ мушаклари учун машқ
- бутун тана мушаклари учун машқ

### б) фаоллик белгиси бўйича машқлар

-пассив машқлар – тушак тартиботидаги беморлар учун тавсия этилади, методист, шифокор, ҳамшира ёки бошқалар ёрдамида машқлар бажарилади

- фаол машқлар – беморлар ўзи мустақил машқларни бажараради
- идеомотор машқлар – хаёлан бажариладиган машқ, организмга нейрорефлектор таъсир кўрсатади

### в) снарядларни қўллаш белгиси бўйича машқлар

- снарядсиз бажариладиган машқлар
- снарядлар билан бажариладиган машқлар (гимнастик таёқча, медицин- бол, копток, сакратгич, ҳалқа, эспандер, гантелла ва ҳ.з)
- снарядларда бажариладиган машқлар (гимнастик скамейкалар, соғломлаштирувчи нарвон, соғломлаштирувчи диск ва ҳ.з)

-механотерапия – бунда тиббий асбоблар, аппаратлар ва тренажерлардан фойдаланилади. Тиббий асбоблар – оғизни ва лабларни кенгайтирувчи, аппаратлар – ортопедик мосламалар, ёрдамчи мосламалар ва Жом аппарати, тренажерлар – велоэргометр, велотренажер, югурувчи йўлка, “Эшкак эшиш”, куч талаб қилувчи тренажерлар, “чигиритка” тренажери ва ҳ.з.

### г) ўкув-тарбиявий белгиси бўйича машқлар

- интизомлаштирувчи машқлар
- тайёрловчи машқлар
- тузатувчи (коррекцияловчи) машқлар
- мос ҳаракатли (координацияга) машқлар
- ритмопластик машқлар
- мувозанат учун машқлар
- тирмашиш машқлари
- ўрмалаш машқлари
- осилиб туриш машқлари
- ирғитиш машқлари
- сакраш машқлари
- қаршиликда бажариладиган машқлар

**Амалий спорт машқлари** – бу машқлар ёрдамида юкламаларга мослаштириш, ошириб бориш, қон ва лимфа айланишлари, модда алмашинувининг яхшиланиши амалга оширилади. Уларга қуидагилар киради : юриш,

югуриш, ўтирган ва турган ҳолатларда эшкак эшиш, сузиш, чанғи ва конки учиш, велосипед ҳайдаш.

### **Ўйинлар** – улар қуидагиларга бўлинади :

-кам ҳаракатли ўйинлар – шахмат, шашка ва ҳ.з. Бунда bemорларни касалликдан чалғитиши, эмоционал-руҳий ҳолатига таъсир этиши, эътиборини кучайтириш амалга оширилади;

-ҳаракатли ўйинлар – стол тенниси, бадминтон, кегельбан, крекет ва ҳ.з. Улар ёрдамида bemорларнинг эмоционал ҳолати яхшиланади, ҳаракат кенглиги оширилади, ўсиб борувчи юкламаларга организм мослаштирилади;

-спортуга оид ўйинлар – волейбол, баскетбол, футбол ва ҳ.з. Улар ҳам bemорларнинг эмоционал ҳолатини яхшилайди, ўсиб борувчи юкламаларга организмни мослаштиради.

### **Табиатнинг табиий омиллари**

Табиатнинг қуидаги табиий омилларидан фойдаланилади :

-аэротерапия – ҳаво билан даволаш;

-гидротерапия – сув билан даволаш;

-талласотерапия – денгиз сувлари билан даволаш;

-телиотерапия – қўёш нурлари билан даволаш.

Бу омиллардан организмни чиниқтириш, касалликнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида қўлланилади.

### **Шифобахш массаж**

Массаж қўл ёки аппарат ёрдамида амалга оширилади. Қўл билан массаж қилинганда қуидагиларга эътибор берилади, қўл ҳар доим лимфа оқими билан яқин ётган лимфатугунлари томон ҳаракат қиласи. Қўл билан массаж қилинганда қуидаги усувлар қўлланилади :

-силаш;

-сиқиб чиқариш (қон томирлардаги қон ҳайдалади);

-юмшатиш (бўйин, орқа, қўл, қорин, соннинг олдинги юзаси, думба мушаги, болдир);

-суртиш (кўкрак қафаси, орқа, ҳамма бўғимлар);

-тебратиш.

Массаж доим силаш билан бошланади ва силаш билан тутатилади, бундан ташқари ҳар бир усулдан сўнг силаш ўтказилади. Қўл ёрдами билан қуидаги массажлар амалга оширилади : классик, сегментар-рефлектор ва нуқтали. Классик массажда одам танаси бир неча қисмларга бўлиниб массаж қилинади, яъни қўл, оёқ, қорин ва ҳ.з(1 бирлик 10 минут). Сегментар-рефлектор массажда таъсир маълум сегментларга кўрсатилади, масалан : ёқа соҳаси, бўйин-энса соҳаси, юқори кўкрак соҳаси ва ҳ.з., яъни ички органларнинг нерв системаси томонидан инервациясига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Нуқтали массажда одам танасидаги маълум нуқталар массаж қилинади, яъни биологик актив нуқталар. Бунда массаж кўрсаткич ёки учинчи бармоқ билан ўтказилади.

Аппарат билан массажга тааллуқли :

-гидромассаж;

-вибромассаж;

- пневмомассаж;
- баромассаж;
- вакуум массаж.

Вакуум массаж асосан ўпка, нафас йўллари касалликларида, остеохондрозда қўлланилади. Тананинг тузилишига ва тери ости ёғ қатламининг ривожланишига қараб ёки унга боғлиқ ҳолда вакуум массаж тиббий банкалар ёки 200 мл, 500 мли банкалар ёрдамида ўтказилади. Бунда бемор күшеткага шундай ётиши керакки, унинг орқаси текис бўлиши шарт. Шундан сўнг орқа мазъ билан суртилади ва банка орқага вакуум ҳосил қилган ҳолда қўйилади. Вакуум массаж ўтказилганда қуидагиларга амал қилиниши керак, яъни банка айланма ҳолида секин ҳаракат қилдирилади ёки илон изи ҳолида ҳаракат қилдирилади, масалан : зотилжамда, бронхиал астмада, бронхитда ва ҳ.з. Остеохондрозда банкалар паравертеbral соҳа бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилдирилади.

Массаж организмга трофик, механик, нейроэндокрин, рефлектор ва нейрогуморал таъсир кўрсатади. Бу таъсир механизмлари натижесида физиологик таъсирлар юзага келади, яъни терининг функциясини яхшилади, қон ва лимфа айланишини, модда алмашинувини, асаб системасининг қўзғатувчанлигининг пасайишини оширади, ташқи нафас функциясини яхшилади, мушак ва бўғимларни мустаҳкамлайди ва ҳ.з. Массажга қарши кўрсатмалар : тери бутунлигининг бузилиши, пиодермия, дерматитлар, экзема, ангиомалар, ҳароратли ҳолат ва ҳ.з.

#### Мехнат билан даволаш

Беморнинг эмоционал руҳий ҳолатларига оид саволларни хал қилиш учун қўлланилади. Мехнат билан даволаш шифохона ва уй шароитларида олиб борилади. Шифохонада, айниқса асаб касалликлари, травматология, ревматология ва бошқа бўлимларда муҳим аҳамиятга эга. Асаб касалликлари бўлимида bemorlarning ўзига-ўзи хизматини тиклаш, травматологияда – меҳнат стендларидан фойдаланиб, bemorni ҳаёт фаолиятида зарур меҳнатларга ўргатиш. Уй шароитида мева ва сабзавотларни тозалаш, ҳамирли овқат қилиш, туғищ, бичиш машқлари, боғ ва полизларда меъёрли ишлаш.

#### Шифобахш жисмоний тарбия шакллари

ШЖТ шакллари икки гурухга бўлиниб ўрганилади :

##### 1.Шифохонада қўлланиладиган ШЖТ шакллари :

-эрталабки бадан тарбия

15 – 20 минут давомида бажарилади, қўллашдан мақсад организмнинг умумий тонусини қўтариш, тетиклаштириш. Шакл якка, кичик гурух, гурух ҳолида ўтказилади;

-шифобахш гимнастика муолажаси

шифохонада ўтказиладиган шаклларнинг асосийси бўлиб ҳисобланади. Муолажа З қисмдан иборатdir, яъни - кириш қисми, бунда организм асосий юкламани бажаришга тайёрланади. Биринчи қисмда енгил машқлар берилиб, умумий вақтнинг 15-25 %ни ташкил этади;

- асосий қисми, бунда организмга асосий машқлар берилади ва унинг жисмоний юкламага мослашиши амалга

оширилади. Машқлар, юкламалар аста-секин ўсиб боради, аввалига умумий вақтнинг 50 %, кейинчалик 70 % ажратилади;

- тугалланиш қисми – бунда организмга енгил, бўшаштирувчи машқлар берилади, организмнинг дастлабки ҳолатига қайтиши таъминланади. Аввалига умумий вақтнинг 25 %, кейинчалик 15 % ажратилади.

Шифобахш гимнастика муолажасини амалга ошириш учун ҳар бир система касаллигига, ҳар бир касалликка алоҳида гимнастик машқлар комплекси тузилади ва якка, кичик гурух, гурух ҳолида ўtkазилади;

-беморларга бериладиган индивидуал топшириқлар

беморларга касаллигини билган ҳолда шифокор ёки методист томонидан индивидул бажариши учун машқлар берилади. Масалан : нафас органлари касаллигига – дренажловчи дастлабки ҳолатларда машқлар бажариш, маҳсус товушли нафас машқлари ва ҳ.з.;

-меъёрли юриш

бу шакл юрак-қон томир системаси, нафас органлари, таянч-ҳаракат аппарати касалликларида, модда алмашинуви бузилишларида қўлланилади. Шакл даволовчи шифокор ёки методист томонидан назорат қилинади. Масалан : миокарднинг ўткир инфаркти – bemорлар меъёрли юришни палатада, сўнгра коридорда маълум масофаларни ўтиш билан амалга оширадилар.

## 2. Шифохонадан ташқарида қўлланиладиган ШЖТ шакллари :

-терренкур

Ҳар хил қўтарилиб тушиш бурчагига, масофа узунлигига эга бўлган маҳсус тайёрланган йўлка. Бу шакл асосан санатория-курортларда, диспансерларда қўлланилади. Юрак-қон томир касалликларида, нафас органлари, ошқозон-ичак йўли, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари ва модда алмашинуви бузилиши бор bemорларга тавсия этилади. Даволаш мақсадида буюрилиши учун терренкурнинг 4 та машрути тавсия этилади, улар :

-1-маршрут – қўтарилиш бурчаги 4 градусдан ошмайди, масофа узунлиги 500 метр;

-2-маршрут – қўтарилиш бурчаги 5-10 градус, масофа 1000 метргача;

-3-маршрут – қўтарилиш бурчаги 11-15 градус, масофа 2000 метргача;

-4-маршрут – қўтарилиш бурчаги 16-20 градус, масофа 3000-5000 метргача.

-соғломлаштирувчи югуриш

меъёрли суръатда югуриш учун оёқлар маълум баландликка қўтрилиб югурилади;

-сайр қилиш, экскурсия

соғломлаштириш, организмни мустаҳкамлаш, чиниқтириш, эмоционал тонусни тиклаш мақсадида фойдаланилади;

-яқин туризм

асосан санатория-курортларда, тоғли шароитда қўлланилиб, bemорларга кунига кўп эмас, кам эмас ўрта хисобда 15 кмгача юриш тавсия этилади;

-ўйинли дарслар

шифохонадан ташқарида ўйин воситаларидан фойдаланган ҳолда ўйинли дарслар амалга оширилади. Бу билан беморлар организмини ўсиб борувчи жисмоний юкламаларга мослаштириб борилади.

-оммавий жисмоний тарбиявий чиқишлар.

#### Шифобахш жисмоний тарбияда ҳаракат тартиботлари

ШЖТда қуйидаги ҳаракат тартиботлари ва уларнинг вазифалари фарқланади :

##### 1.Тушак ҳаракат тартиботи

- А) қатъий
- Б) кенгайтирилган

Муолажанинг давомийлиги 5-7 минут, ишлаш – дам олиш нисбати 1:1, ўрта ҳисобда 8-10 та машқ берилади, ҳар бир машқ 3-4 марта секин суръатда қайтарилади.

Умумий вазифалари :

1.Беморга таъсир этайдиган руҳий ва жисмоний таъсирларни камайтириш ёки йўқотиши.

2.Қон айланишнинг экстракардиал омилларини фаоллаштириш ёки яхшилаш.

3.Қатъий тушак тартиботи асоратларининг олдини олиш (ётоқ яра, қон димланиши, ичак парези, мушак атрофияси, контрактура ва ҳ.з.).

##### 2.Ярим тушак ёки палата ҳаракат тртиботи

Муолажанинг давомийлиги 15-20 минут, ишлаш – дам олиш нисбати 3:1, ўрта ҳисобда 20-25 та машқ берилади, машқларнинг қайтарилиш сони 6-8 марта, секин суръатда.

Умумий вазифалари :

1.Қон айланишнинг экстракардиал омилларини аста – секин чиниқтириш;

2.Енгил жисмоний юкламаларга организмни аста-секин мослаштириш.

3.Димланиш ҳолатлари билан курашиш.

##### 3.Эркин ҳаракат тартиботи

А) эркин авайловчи

Б) эркин авайловчи-чиниқтирувчи

В) эркин чиниқтирувчи

Муолажанинг давомийлиги 30-45 минут, ишлаш – дам олиш нисбати 5 : 1, ўрта ҳисобда 25-35 та машқ берилади, машқларнинг қайтарилиш сони 10-12 марта, секин, ўрта суръатларда.

Умумий вазифалари :

1.Ўсиб борувчи жисмоний юкламаларга организмни мослаштириб бориш.

2.Орган ва системалар орасидаги ўзаро алоқаларнинг коррелятивлигини яхшилаш.

3.Беморларни касб ва яшаш фаолиятларига тайёрлаш.

#### Шифобахш гимнастика муолажасини тузиш принциплари :

1.Дастлабки ҳолатни танлаш.

2.Патогенетик белгиси бўйича маҳсус машқларни танлаш.

- 3.Муолажанинг давомийлиги.
- 4.Бериладиган машқларнинг сони.
- 5.Ҳар бир машқнинг қайтарилиш сони.
- 6.Бир машқнинг давомийлиги (тушак тартиботи – 10-15 секунд, ярим тушак тартиботи – 15-20 секунд, эркин тартиботи – 30-40 секунд).
- 7.Қўлланиладиган машқларнинг тарқоқлиги, яъни муолажага ҳар хил машқлар киритилиши керак.
- 8.Берилаётган юкламанинг аста-секинлик принципи, яъни муолажа шундай тузилиши керакки, аввал бемор организми енгил машқлар ёрдамида асосий юкламага тайёрланади, сўнгра муолажа охирида бўшаштирувчи машқлар ёрдамида bemор организми дастлабки ҳолатга қайтарилиши лозим.
- 9.Қўлланиладиган машқлар суръати (секин, ўрта, тез, тезлашадиган).
- 10.Муолажа вақтида ишлаш-дам олиш нисбати.
- 11.Муолажа вақтида бажариладиган ҳаракатнинг ритми ва амплитудаси.
- 12.Муолажага эмоционал омилларни қўшиш (мусиқа, рақсларга хос машқ).

#### ШЖТ бўйича врачнинг мажбуриятлари

- 1.Беморларни қабул қилиш ва текшириш.
- 2.Даволовчи шифокорлар билан ШЖТга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳақида сухбат ўtkазиш.
- 3.Машғулотларнинг эффективлигини аниқлаш.
- 4.Врачли-педагогик назоратни ўtkазиш.
- 5.Методистнинг малакасини оширишни мунтазам назорат қилиш.
- 6.ШЖТ машғулоти схемасини тузиш ва шифобахш гимнастика муолажасини тузища ШЖТнинг вазифаларини тавсия этиш.

Шифобахш гимнастика муолажасини ўtkазишга қарши кўрсатмалар:

- 1.Нисбий қарши кўрсатмалар :
  - беморларнинг умумий оғир ҳолати;
  - касалликнинг ўткир даври;
  - тана ҳароратининг 37,5 градусдан ортиши;
  - жисмоний машқлар бажаришда оғриқнинг зўрайиши;
  - йирингли жараённинг бўлиши;
  - шикастланган суяк бўлакларининг етарли бўлмаган иммобилизацияси;
  - йирик қон томир ва нерв яқинида ёд таналарнинг бўлиши;
  - қон кетиш ва қон кетишга мойиллик.

Бу кўрсатмаларнинг нисбий дейилишига сабаб шуки, улар бартараф этилганидан сўнг шифобахш жисмоний тарбия муолажасини bemorga тавсия этиш мумкин.

#### 2.Абсолют қарши кўрсатма :

- ёмон сифатли шишишлар ёки онкологик касалликлар.

#### Холоса

Маърузада ШЖТ усулларининг бошқа дори-дармон билан даволаш усулларидан афзаллик томонлари кўрсатилди, жисмоний машқларнинг таъсир механизмлари тушунтирилди. ШЖТ воситалари, шаклларининг

классификациялари, ҳаракат тартиботлари ва унга боғлиқ ҳолда шифобахш гимнастика муолажасини тузиш принциплари ҳақида фикр юритилди.

**Тингловчилар билан ўзаро алоқани ўрнатиш учун саволлар**

1.Даволаш-реабилитация комплексида ШЖТ қандай мақсадда қўлланилади ?

- 2.ШЖТнинг усуллари ва уларнинг афзалликлари?
- 3.Жисмоний машқларнинг шифобахш таъсир механизми.
- 4.Жисмоний машқлар қандай гурухларга бўлинади?
- 5.Қайси ҳолатларда идеомотор машқларни қўллаш тавсия этилади?
- 6.Ҳаракат тартиботини кенгайтириш қачон ва ким билан хал этилади?
- 7.Ҳаракат тартиботлари ва уларнинг вазифалари қандай?
- 8.Шифобахш гимнастика муолажасини тузишда нимага эътибор бериш керак?

**Қўлланилган адабиётлар**

- 1.Машков В.Н. Общие основы лечебной физической культуры. М., 1991 г.
- 2.Машков В.Н. Лечебная физкультура как метод поддерживающей терапии // Вопр. Курортологии, ЛФК М., 1992 г.
- 3.Журавлева А.И. Методические принципы лечебной физкультуры.М.,1992 г.
- 4.Лечебная физическая культура Под ред. С.И.Попова М., «Физкультура и спорт» 1988 г.
- 5.Лечебная физическая культура. Справочник Под ред. В.А.Епифанова М., «Медицина» 1987 г.
- 6.В.А.Епифанов, Г.Л.Апанасенко Лечебная физкультура и врачебный контроль М., «Медицина» 1990 г.
- 7.Маъруза матнлари ва ўқув услубий қўлланмалар.